Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 26 ноябрь, чоршанба • № 94 (10.973) • Эркин нархда сотилади

## ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ ВА МАСЪУЛИЯТ

### 25 ноябрь куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди

***ФАОЛЛАР йиғилишида вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, йирик корхона ва хўжалик раҳбарлари иштирок этдилар.***

***Фаоллар йиғилишида Тошкент вилояти ҳокими Эркин РЎЗИЕВ маъруза қилди.***

Вилоят ҳокими ўз маърузасида вилоят халқ хўжалигидаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил этар экан, асосий эътиборни эришилаётган ижобий натижалар билан биргаликда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга қаратди, уларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди.

Тўғри, 1997 йилнинг ўтган даврида вилоят халқ хўжалигининг қатор соҳаларида ўзгаришлар юз берди. Лекин, шунга қарамай, ҳали вилоятнинг катта салоҳиятидан самарали фойдаланилмаяпти. Бу вилоят иқтисодиётига, ислоҳотларнинг жадаллашувига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Хусусан, етакчи тармоқ — қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар суст бораяпти. 1997 йилда давлатга пилла, ғалла ва бошқа қатор маҳсулотлар топшириш буюртмалари бажарилган бўлса-да, пахтачиликда қолоқликка йўл қўйилди. Ҳамон айрим туманларда ғўза навини танлашда қўпол хатоликларга йўл қўйилмоқда, экинни парвариш қилиш, агротехника тадбирларини амалга оширишга етарли эътибор берилмаяпти. Энг ачинарлиси вилоят далаларида режадаги ҳосил етиштирилган бўлса-да, жойларда йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш, айниқса, техника воситаларидан самарали фойдаланишда масъулиятсизликка йўл қўйилди. Натижада Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Янгийўл туманларидан ташқари 6 та туманда режадаги ҳосил йиғиштириб олинмади. Айниқса, Бўка, Бекобод, Пскент туманларидаги қатор хўжаликларда аҳвол жуда ачинарли бўлиб қолмоқда. Бу қолоқликларнинг сабаблари маълум. Аввало раҳбарларда изланиш йўқ. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишда айрим туманларда эскича дунёқарашдан воз кечилмаяпти. Соҳага бош мутасадди бўлган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг фаолияти талабга жавоб бермаяпти. Бошқармани ёш, ташаббускор ходимлар билан мустаҳкамлаш юзасидан етарли иш қилинмади. Сўзсиз бунда вилоят ҳокимлигининг ҳам айби бор. Бугунги вазият вилоят қишлоқ хўжалигидаги аҳволни чуқур таҳлил этиш ва хулоса чиқариб, ишни янгича ташкил этишни тақозо этмоқда.

Саноатда ўсиш суръатлари таъминланмоқда. 1997 йилда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўпайганлигини таъкидлаш керак. Лекин, вилоятнинг саноатдаги имкониятлари ҳам жуда катта. Ҳозирги асосий вазифа ана шу ички резервларни ишга солишдир. Шунингдек, корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, жаҳон бозоридан мустаҳкам ўрин олиш энг муҳим вазифа бўлиб турипти. Тўғри, қатор корхоналар ана шундай тарзда ишламоқда. Аммо, шаҳар ва туманлардаги кўплаб корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидор талабига жавоб бермаяпти. Натижада уларнинг омборларида туриб қолаётган маҳсулотлар кўпайиб бормоқда.

Бу йил вилоят ҳокимлиги қурилиш мажмуасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан кенг кўламли тадбирлар ишлаб чиқди. Жойларда ана шу тадбирларни амалга оширишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Аммо, айрим шаҳар ва туманларда белгиланган дастурнинг бажарилишида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ҳамон айрим раҳбарлар янгича ишлаш кераклигини тушуниб етмаяптилар. Юқоридан буйруқ ва маблағ кутмоқдалар. Аксинча, эндиликда ҳар бир шаҳар ва туманнинг ўзига хос кўринишини яратиш, янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар, халқ эҳтиёжига хизмат қилувчи бозорлар ва маданий-маиший бинолар қуришда ички воситаларни ишга солиш, банк кредитларини, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг салт маблағларини жалб этиш устида астойдил ишлаш керак. Ана шундагина бу борада белгиланган мақсадларга эришамиз.

1997 йил — мамлакатимизда Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Бу ўз-ўзидан ижтимоий соҳадаги ишларни жонлантиришни талаб этади. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, бу тизимдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, таълим-тарбия, маданият, маънавият, маърифат масалалари устида чуқурроқ ишлаш энг муҳим вазифалардир. Чунки, кишиларнинг дунёқарашини, фикрлаш доирасини ўзгартирмасдан туриб, соҳада ўзгаришлар ясаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Республикамиз Президенти ва ҳукуматининг ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавият, маърифат масалаларини ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган фармонлари ва қарорларини амалга ошириш ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигининг, турли бўғинлардаги раҳбарларнинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи керак. Айни вақтда уларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳам муҳимдир. Афсуски, вилоят ҳокимлигининг Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари бажарилишининг назорати билан шуғулланувчи инспекцияси ўз вазифасини бажаришда оқсамоқда. Натижада, айрим туман ва шаҳарларда энг муҳим фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишида масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Вилоят назорат инспекцияси эса уларни таҳлил этиб, тегишли хулосалар чиқариш ўрнига, муросасозлик қилмоқда.

Вилоятдаги аҳвол ана шу мажмуаларни етук ходимлар билан мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Вилоят ҳокимлигининг ташкилий-кадрлар гуруҳининг фаолиятида ҳам кескин ўзгаришлар юз бериши зарур. Кадрларни ўрганиш, уларни тарбиялаш, малакасини ошириш устида қаттиқ ишлашимиз керак.

Вилоят шаҳар ва туманларидаги аҳволни чуқур таҳлил этиш, ислоҳотларнинг боришини ёритиш, йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташлашда матбуот катта кучдир. Лекин, вилоят газеталарида, радио ва телекўрсатувларида бундай материаллар ва шарҳлар кам кўринмоқда. Вилоят матбуот нашрлари таҳририятлари бундан буён асосий эътиборни ана шу масалаларга қаратишлари зарур.

Фаоллар йиғилишида маърузада кўрсатиб ўтилган масалалар юзасидан тадбирлар белгиланди.

Вилоят фаоллари йиғилишида ташкилий масалалар кўрилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи муовини — агросаноат мажмуаси раҳбари Тўлқин Мирёқубов ҳамда вилоят ҳокимининг муовини — назорат инспекцияси раҳбари Алишер Бозоров бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан ўз вазифаларидан озод қилиндилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Ахборот марказининг ижтимоий-сиёсий йўналиш бўйича консультанти бўлиб ишлаб келган Абдукарим Мирсаидович РАҲИМБЕРДИЕВ вилоят ҳокимининг ижтимоий масалалар мажмуаси бўйича муовини этиб, Оққўрғон туманидаги "Оққўрғон" ширкатлар бирлашмаси раиси бўлиб ишлаб келган Уммат Маматқулович МИРЗАҚУЛОВ вилоят ҳокимининг агросаноат масалалари бўйича муовини — вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи этиб, республика Президенти Девонининг Президент фармонлари, фармойишлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини назорат қилиш инспекцияси консультанти бўлиб ишлаб келган Ўткир АБДУРАҲИМОВ вилоят ҳокимининг муовини — назорат инспекцияси раҳбари этиб, Тошкент вилояти қурилиш-ҳиссадорлик жамияти раиси лавозимида ишлаб келган Рустам Мажидхонович МЎМИНОВ вилоят ҳокимининг қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари бўйича муовини этиб тайинландилар ва уларнинг номзодлари тасдиқлаш учун вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритиш учун тавсия этилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими Абдулҳафиз МИРАҲМЕДОВ иштирок этди.

## СЕРМАЗМУН КУНЛАР

***ҲА, ЖОРИЙ ЙИЛИМИЗНИНГ сўнгги ойларидаги ҳар бир кун чиндан ҳам сермазмун ўтмоқда. Мамлакатимизга ташриф буюраётган юқори мартабали хорижлик меҳмонлар билан бўлаётган мулоқотлар, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги янгиликлар, турли муаммоларга бағишланган анжуманлар ҳар бир ҳамюртимиз ҳаётига ўзгача мазмун бахш этмоқда.***

*ЎТГАН ҳафтада Ўзбекистонда ўтказилган Украина маданияти кунлари украин ҳамда ўзбек халқларини яқинлаштиришда, маънавиятимизни тобора юксалтиришда, маданий алоқаларимизни янги поғонага кўтаришда, шубҳасиз, муҳим ўрин тутади.*

* * *

**РЕСПУБЛИКА Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида ўтказилган макроиқтисодий сиёсат масалаларига бағишланган халқаро семинар ҳам ўзига хос бўлди. Республикамиз ҳукумати, Жаҳон банки ташаббуси ҳамда "Ноу-хау" жамғармаси (Буюк Британия) мадади билан ташкил этилган ушбу анжуманга бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар юзасидан ўз фикрларини билдириш учун деярли барча қитъалардан таниқли иқтисодчилар ва молиячилар тўпландилар. Улар уч кун давомида макроиқтисодиётнинг ўта муҳим масалаларини, Ўзбекистонда макроиқтисодиётнинг аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.**

* * *

***РЕСПУБЛИКАМИЗ Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли китоби нафақат республикамизда, балки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида акс садо берди. Мазкур асарни ўрганиш ва уни халқ оммаси ўртасида кенг тарғиб этиш давом этмоқда. "Ватан тараққиёти" партияси фракциясининг яқинда бўлган йиғилишида баайни ана шу асардан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама этилди.***

* * *

*ВАЗИРЛАР Маҳкамасида эса республика ҳукумати ҳузурида ишлаётган туризмни ривожлантириш бўйича идоралараро кенгаш мажлиси бўлди. Унда халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, идоралараро Кенгаш раиси И. Жўрабеков бошқарди.*

* * *

***ТОШКЕНТДА ТАСИСнинг "Хотин-қизлар ва демократия" лойиҳасини амалга ошириш тадбирларининг ниҳоясига етганлигига бағишланган конференция ўз ишини давом эттирди. Унда республикамизнинг барча вилоятларида илмий фаолият билан шуғулланаётган хотин-қизлар иштирок этдилар.***

## ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ҲАМ МАРРАГА ЕТДИЛАР

ЯНГИЙЎЛ тумани пахтакорлари ҳам режани бажарганликлари ҳақида маълумот бердилар. Давлатга 19 минг 400 тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди. Ҳосилнинг 80 фоизга яқини юқори навларга топширилди.

Жуда кўп хўжаликлар йиғим-теримни давтлабки кунларданоқ уюшқоқлик билан ташкил этиб, яхши натижаларга эришдилар. Абдулла Ортиқов, Ҳамроқул Турсунқулов номли, "Тинчлик" жамоа хўжаликлари туманда биринчилардан бўлиб режани бажардилар. Ҳосилдорликни ўтган йилдагига қараганда уч-тўрт центнерга оширишга эришдилар.

Тумандаги барча хўжаликлар режанинг бажарилишига баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар. 10 та хўжаликдан 7 таси режасини бажарди.

Туманда йиғим-теримни якунлаш билан бирга кузги-қишки ишлар авж олдириб юборилди. Узоғи билан 5 декабрга қадар ҳосилдан бўшаган далаларни шудгорлаб қўйиш чоралари кўрилмоқда.

**(Туман пахтакорларининг меҳнат ютуқлари ҳақидаги мақолани газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).**



Тумандаги "Янги ҳаёт" жамоа хўжалиги ҳам йилни яхши якунламоқда. Хўжалик давлатга 1880 тонна пахта, 1500 тонна ғалла, 160 тонна шоли топшириб режани бажарди. Келгуси йил учун пухта тайёргарлик кўриляпти.

***СУРАТДА: жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдуманнон Ўсканбоев, бўлим бошлиғи Сиғинбой Холжигитов механизаторлар билан шудгор сифатини кўздан кечирмоқда.***

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» га обуна бўлинг!

**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!**

Мамлакатимизда 1998 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна давом этмоқда.
Ҳар йилгидек бу йил ҳам газетамиз Сизнинг энг яқин маслаҳатдошингиз, ҳамроҳингиз бўлиб қолишига ишонамиз.
Дарвоқе, эслатиб ўтамиз: «Тошкент ҳақиқати»га обуна нархи бошқа газеталарга нисбатан бирмунча арзон.

*Бизнинг нашр кўрсаткичимиз: якка обуначилар учун: 205, ташкилотлар учун: 206*

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ёзилинг!**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

***АНГРЕНДАГИ қатор саноат корхоналари жамоалари турли ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш, айниқса, бозор талабини ўрганиш ва фаолият йўналишини шунга мослашга тобора катта эътибор бермоқдалар. Бу ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишига ижобий таъсир этаяпти. Маҳсулотларнинг харидорбоп янги турлари ўзлаштирилиб, касодга учраганлари ишлаб чиқаришдан олиб ташланяпти.***

Темир-бетон маҳсулотлари заводи жамоаси шу йўл билан мавқеини мустаҳкамлаб бораяпти. Шу туфайли йил бошидаги қолоқлик барҳам топди. Кейинги ойларда режалар ошириб уддалана бошлади, тайёрланаётган маҳсулот ҳажми орта борди. Жорий йилнинг ўн ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 9,9 фоиз ошди. Олтин қазиб чиқариш кони, қурилиш материаллари комбинати ишчи-хизматчилари ҳам ишлаб чиқариш суръатини олдинги йилдагидан беш — ўн фоиз тезлаштиришга эришдилар. Улар шу кунларда ушбу маромни сақлаб қолишга интилмоқдалар.

***Машкура ЗОҲИДОВА.***

### ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА КУЧАЙМОҚДА

***ОЧИҚ турдаги "Ангрен нон" ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ишчи-хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишга тобора катта аҳамият бермоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг бир маромда бориши, олинаётган даромад ва фойда миқдорининг ортиши бу мақсад учун анчагина маблағ ажратиш имконини туғдирмоқда.***

Яқинда корхона жамоаси маъзоларига қишга дон-дун ва сабзавот сотиб олиш уун 250 минг сўмдан ортиқ накд пул тарқатилди. Бундан ташқари, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва фахрий нонвойларга ҳам баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатиляпти. Шундай 15 оилага минг сўмдан пул берилди. Бу йил таътилга чиқаётган ҳар бир ишчи-хизматчига энг кам маошнинг икки миқдорида ёрдам пули берилмоқда. Маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида жорий йил учун тузилган шартномага мувофиқ ижтимоий ҳимоянинг бошқа кўринишдаги тадбирлари ҳам изчил амалга ошириляпти.

***Собир ҲАМИДОВ.***

### НОГИРОНЛАР УЧУН АРАВАЧАЛАР

***ВИЛОЯТ ижтимоий таъминот бошқармаси ўз фаолияти давомида ҳамиша ногиронларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорига кўра шу йил 3 декабрда ўтадиган Халқаро ногиронлар куни муносабати билан ҳозирлик ишлари бошлаб юборилди.***

Бошқарма ўша куни шаҳар ва туманлар ижтимоий таъминот бўлимлари орқали топшириш учун бевосита Республика ижтимоий таъминот вазирлигининг ёрдамида 20 та аравачалар, 400 та пишиқ алюминдан ясалган ҳассалар тайёрлаб қўйди. Шунингдек, қатор ногиронлар турли-туман совғалар билан йўқланадилар.

***Саидвали ҲАСАНОВ.***

### МИЛЛИЙ ДАСТУР АСОСИДА

***ВИЛОЯТ халқ таълими бошқармаси ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг ўлимларидан иборат 11 кишилик гуруҳ шаҳар ва туманлар халқ таълими бўлимларида, мактабларда кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича семинар-кенгашлар ўтказишга киришдилар.***

Бундай мулоқотлар мавзуи асосан раҳбар, ўқитувчи ва ота-оналарнинг дастурни рўёбга чиқаришдаги ўрни, таълимнинг янги босқичини амалга оширишдаги аниқ омилларга бағишланмоқда.

Семинар-кенгашларда Республика Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари, бўлим бошлиқлари, услубиётчилари ҳам иштирок этмоқдалар.

***Саид ВАЛИЕВ.***

### ГУЛБАҲОРДАГИ ШОХОБЧА

***РЕСПУБЛИКА "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг Янгийўл тумани бўлими бошлиғи Нишонали Раҳимов ташаббуси билан "Гулбаҳор" қўрғонида тиббий стомотология шохобчаси очилди.***

Ушбу мажмуа туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга, фахрийлар ва ногиронларга бепул хизмат қилади. Шохобчанинг очилиши туман аҳлининг оғирини енгил қилишда баҳоли-қудрат ҳисса қўшмоқда.

***Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.***

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

